

Наргиза ШОАЛИЕВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти
кафедраси катта ўқитувчиси, филология
фанлари номзоди

БЕҲБУДИЙ МИЛЛИЙ МАФКУРА САРИ

Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср бўсағасидаги Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаракатчилигининг энг йирик намояндаси, янги давр ўзбек маданиятининг асосчисидир. Туркистон жадидларининг тан олинган раҳнамоси, мустақил жумҳурият ғоясининг яловбардори, янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси, ўзбек драматургиясини бошлаб берган биринчи драматург, театрчи, ношир, журналист. У тарихимизнинг ғоят оғир ва мураккаб бир даврида яшади. XVI асрдан бошланган инқироз ва турғунлик, ўзаро жанжал, маҳаллий уруғчилик низолари миллатни ҳолдан тойдирган, имкондан фойдаланиб ўлкани забт этган Русия зўр бериб, уни турғун ва тутқун сақлашга уринарди. Мана шундай бир шароитда Ватанни бутунлай йўқ бўлиш хавфидан сақлаб қолиш, авлодларни эрк ва озодлик, мустақиллик руҳида тарбиялаш, маърифат ва тараққиётга бошлаш жадидлар номи билан тарихга кирган Беҳбудий бошлиқ фидойилар зиммасига тушди.

Туркистонда “Усули жадид”, “Усули савтия” номлари билан шуҳрат топган янги мактабни шулар ташкил қилиб, шулар биринчи бўлиб замонавий мактаб ғоясини илгари сурдилар.

Улар ўз ҳисобларидан мактаблар очиб, ёш авлодни истиқлолга тайёрладилар, шеър ва мақолалар, сахна асарлари орқали миллий онгни шакллантиришга, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришга уриндилар. Русия қонунлари имкон берган даражада Туркистон мусулмонларининг шаъну шавкати ҳимоя қилдилар, инқилоб йилларида эса мустақиллик байроғини баланд кўтардилар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий мана шу Туркистон жадидчилик ҳаракатининг асосчиси, бошлаб берувчиси эди. У 1875 йилнинг 19 январиди Самарқанд яқинидаги Бахшитепа кишлоғида, руҳоний оиласида дунёга келган. Отаси Беҳбудхўжа Солиххўжа ўғли туркистонлик, Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан, она томонидан бобоси Ниёзхўжа урганчилик бўлиб, амир Шохмуродзамонида (1785–1800) Самарқандга келиб қолган. 1894 йилда отаси, имом-хатиблик билан шуғулланиб келган Беҳбудхўжа вафот этади. Ёш Маҳмудхўжа тоғаси қози Муҳаммад Сиддиқ тарбияси ва қарамоғида ўсиб вояга етади. Араб сарфу наҳвини кичик тоғаси Мулла Одилдан ўрганади. 18 ёшида қозихонада мирзолик қила бошлайди. Ўз устида кунт билан ишлаб, шариятнинг

юксак мақомлари – қози, муфти даражасигача кўтарилади. Ёш Маҳмудхўжа дунёқарашининг шаклланишида Русия жаҳидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Гаспринскийнинг хизмати катта бўлган. Беҳбудий ўз хотираларида устози билан учрашувларини ихлос ва муҳаббат билан тилга олган.

Беҳбудий ҳаж сафарида бўлган чоғида Арабистон, Миср, Туркияни кезиб чиққан (1899—1900). Сафар давомидаги таасуротларини, мулоқот қилган инсонларини шунингдек ҳар хил дин вакиллари ва муқаддас жойлар ҳақида ёзиб боради, кейинчалик бу ҳақда ўзининг “Ойна” журналида кетма кет эълон қилган. Теран фикрловчи Беҳбудий сафарда кўрганларини мушоҳида қилиб, Туркистон билан тақослайди, ўз халқнинг қолоқлиги, унинг маърифатпарвар руҳни эзарди, илму маърифатдан бебаҳра оммани кутқариш йўлларини изларди, шунинг учун саёҳат давомида янги мактаб (усули жаҳид) очиш фикри Беҳбудийда мустаҳкамланиб борди. Самарқанд яқинидаги Ҳалвойи кишлоғида Ажзий, Ражабаминда Абдулқодир Шакурийлар билан ҳамкорликда янги мактаб очади. Янги мактаблар учун дарсликлар тузишга киришади. «**Рисолаи асбоби савод**» («Савод чиқариш китоби», 1904), «**Рисолаи жуғрофияи умроний**» («Аҳоли географиясига кириш», 1905), «**Мунтахаби жуғрофияи умумий**» («Қисқача умумий география», 1906), «**Китобат ул-атфол**» («Болалар хати», 1908), «**Амалиёти ислом**» (1908), «**Тарихи ислом**» (1909) каби китоблар чоп этилади. Кейинчалик (1908 йилда) Шакурийнинг Ражабаминдаги мактабини Самарқанддаги ўз ховлисига кўчириб келтиради.

1903–1904 йилларда Масков, Петербургга боради, 1907 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Булар саёҳат эмас, хизмат сафари эди. Масалан: Нижний Новгородда 1907 йилнинг 23 августида Русия мусулмонларининг турмуш ва маданияти муаммоларига бағишланган курултойи чақирилади. Беҳбудий туркистонликлар гуруҳини бошқаради ва катта

нутқ сўзлайди: “Маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмайди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ керак. Миллат ва Ватаннинг аҳволидан, кундалик ҳаётидан огоҳ бўлмоқ лозим. Миллат учун ойна керак, токи ундан ўз қабоҳатини ҳам малоҳатини ҳам кўра олсин”.

Мана шу эҳтиёж ва зарурат Беҳбудийни театр ва матбуотга бошлади. 1911 йилда “**Падаркуш**” драмаси шу тариқа майдонга келди. Бироқ унинг дунё кўриши осон кечмади. “Падаркуш” драмаси 1913 йилдагина босилиб чиқади. Китоб жилдига “Бородино жанги ва Россиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг юбилей санасига бағишланади” деган ёзув билан Тифлис цензурасидан рухсат олинади. Босилиб чиққандан кейин ҳам сахнага кўйиш учун яқин бир йил вақт кетади.

Бу биринчи ўзбек драмаси эди. 3 парда 4 манзарали бу асар мазмунан сода бўлиб, ўқимаган, жоҳил ва нодон боланинг ўз отасини ўлдиргани ҳақида эди. Беҳбудий бу асар жанрини «миллий фожа» деб атаган. Асар Самарқандда 1914 йил 25 январда сахнага кўйилди. Драма халққа кучли таъсир кўрсатади. Абдулла Қодирий «Бахтсиз кўёв» драмасини шунинг таъсирида ёзгани маълум. «Падаркуш» ҳам жанр, ҳам мазмунига кўра янги ўзбек адабиётини бошлаб берган асар бўлди. Драма Тошкентда 1914 йил 27 февралда Авлоний томонидан қайта сахналаштирилади. 1913 йили Беҳбудий «Самарқанд» газетасини чиқаради¹. Газета ўзбек ва тожик тилларида, ҳафтада 2 марта чоп этилди. 45-сони чиққач, моддий танқислик туфайли нашр тўхтади. Шу йил 20 августдан у «**Ойна**» журнали чиқара бошлади. Ҳафталик, суратли бу журнал асосан ўзбекча бўлиб, шеър, мақола (форсча), эълонлар (русча) ҳам бериб борган. Журнал Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркиягача тарқалди.

Беҳбудий китоб нашрини ҳам йўлга қўяди. Фитратнинг «Баёноти сайёҳи ҳинди»сини русчага таржима қилдириб бостирди (1913).

¹ “Маънавият юлдузлари” (Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент, 1999), 10-156.

Беҳбудий 1914 йил 29 майда иккинчи марта Араб мамлакатларига саёҳатга чиқади. Саёҳати давомида Байрамали, Ашхобод, Красноводск, Кисловодск, Пятигорск, Железноводск, Ростов, Одесса шаҳарларида бўлади, 8 июнда Истанбулга келади. Ундан Аданага ўтиб, яна Истанбулга қайтади ва 20 июнда Исмоилбек Гаспринский билан учрашади. Сўнг Қуддус, Байрут, Ёфа, Халилар-Раҳмон, Порт-Саид, Шом шаҳарларида бўлади². Айтганимиздек, саёҳат хотиралари «Ойна» журналида босилиб туради. Бу «хотиралар» ҳар жиҳатдан муҳим бўлиб, анъанавий тарих-мемуар жанрининг 20-аср бошидаги ўзига хос намунаси эди. Муаллиф унда йўл таассуротларига, кишилар билан учрашувларининг ибратли томонларига кенг ўрин беради. Қайси шаҳарга бормасин, унинг тарихи, обидалари, у ердан чиққан буюк зотлар ҳақида маълумотлар тўплайди. Турли-туман миллатлар, уларнинг урф-удумлари, турмуш маданияти билан қизиқади. Айниқса, дин, эътиқод масалаларига катта аҳамият беради.

«Ойна» журналида миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқига, тарихига, тил ва адабиёт масалаларига, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилган. Беҳбудий миллатнинг тараққийси учун бир неча тил билишни шарт деб ҳисоблайди. Журналнинг биринчи сонидак «Икки эмас, тўрт тил лозим», деган мақола билан чиқиб, **ўзбек, тожик, араб, рус ва хатто бирор узок хориж (мас, француз)** тилини билиш шарт деб ҳисоблайди. Айти пайтда тилнинг муҳофазаси («**Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар**» — 1914), ўзаро муносабатлари («**Тил масаласи**» — 1915)³ ҳақида муҳим ва зарур мақолалар чоп этди. Адабий танқидга катта эътибор берарди. Унинг хусусиятларини белгилашга уринган. Бошқа адабий жанрлар билан тенг ҳуқуқлиги масаласини кўтарди («**Танқид сараламоқдир**» — 1914). Миллат шаънини оёқ ости қилувчи фикр-қарашларга

зарба бериб, Туркистон халқини ўз номи билан атамоқ лозимлигини талаб қилиб чиқди («**Сарт сўзи мажҳулдур**» 1915).

Беҳбудий матбуотимиз тарихида мақоланавис сифатида алоҳида мавкега эга. Унинг ҳозирча аниқланган мақолаларининг сони **уч юзга** етади. Улар хилма-хил мавзуда. Илк мақолаларидаёқ коммунистик мафкурани кескин рад этган, «хаёлий», «бу тоифага қўшулмоқ биз, мусулмонлар учун ниҳоятда зарарлик» деб ёзган эди («**Хайрул муруи авсатухо**» — «Ишларнинг яхшиси ўртачасидир», «Хуршид» газетаси, 1906, 6-сон). Ўзликни англашни муҳим билади. «Қабиласини(нг) исмини ва ети отасининг отини билмайдургонларни «маркук» дерлар», деб ёзади («Сарт сўзи мажҳулдур», «Ойна» журнали, 1914).

1917 йилнинг охири 1918 йилнинг бошларида жаидлар қурган илк демократик давлатчилик намунаси Туркистон мухториятининг тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда ўлка халқларини бирликка чақиради.

Беҳбудий ижтимоий-сиёсий ишларга қизғин қўшилди. Аслида бу фаолият 1906 йилдан бошланган. Тошкентда бўлиб ўтган (1917) Туркистон мусулмонларининг қурултойида иштирок этиб, нутқ сўзлади. У мусулмонлар орасидаги ҳар қандай ихтилофга қарши чиқди. Беҳбудий шу қурултойда ўлка мусулмонлар шўросининг раиси этиб сайланди. 1917 йил 26 ноябрда Қўқонда ўлка мусулмонларининг 4-фавқулодда қурултойи иш бошлади. 27 ноябрга ўтар кечаси «Туркистон мухторияти» эълон қилинди.[4:1] Унинг ғоявий асосчиларидан бири Беҳбудий эди. Мухторият шўролар томонидан ваҳшиёна бостирилди. Беҳбудий май ойининг бошларида Самарқандга қайтади. У ерда кўп тура олмай Тошкентга келади. Туркистон шўролар ҳукумати раҳбарлари билан музокара олиб боришга уринади, аммо натижа чиқмайди. 1919 йилнинг эрта баҳорида мамлакатдан чиқиб кетаётганида Шаҳрисабзда Инқилобий фавқулодда комиссия айғоқчилари

² «Маънавият юлдузлари» (Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент, 1999). 326.

³ حسین پور، اکرم و دیگران، ماهیت تحولات در آسیای مرکزی و قفقاز، تهران، 1373ش؛

кўмагида Бухоро амирлиги одамлари томонидан қўлга олинадиган, ҳамроҳлари Муҳаммадқул ва Мардонқул билан биргаликда Қаршида зиндонга ташланадиган ва қатл қилинадиган. Бу воқеа Самарқандда бир йилдан кейин маълум бўлади. Фитрат, Чўлпон, Айний ва бошқа шоирлар Беҳбудийга атаб марсиялар ёзганлар.

Беҳбудийнинг буюклиги шундаки, у миллат тараққиёти учун ҳамиша долзарб бўлиб қоладиган, барча давру замонга бир хил тегишли бўлган муаммо ва масалаларнинг ўқтомирига назар солиб, унинг иллатини аниқ ташхислай олган ва мазкур камчиликларни бартараф этиш чораларини ҳам илмий ва ҳаётий жиҳатдан асослаб берган. Жумладан, миллатнинг тараққиёти ҳамда жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун одамларнинг ҳаёт маслаҳати, орзу-аъмолини тўғри шакллантириш лозимлигини таъкидлайди. Масалан, “Аъмолимиз ё инки муродимиз”[5:2] мақоласида умрининг учдан икки ҳиссасини машаққатли меҳнатга сарфлаган қосибнинг қосаси оқармаслигига асосий сабаб – топганини фарзандлари билимли бўлишга эмас, балки тўй-ҳашамдаги исрофгарчилик ва ортикча ҳашамларга сарфлашида, деб билади. Натижада, “бошқа миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники ҳаммолликда ёки гадоиликда. Бошқа миллат уламосига тобеъдур, бизнинг уламо билъакс авомга тобеъдур. Бунинг охири харобдур”, деб аччиқ алам билан таъкидлайди мутафаккир. Шунинг учун ҳам, тараққиётга эришиш учун фарзандлар камолини моддий фаровонликдамас, балки маънавий юксалиш, илм-маърифатли бўлишида деб ҳисоблаган Беҳбудий биринчи навбатда мактаб ва маориф тизимини ислоҳ қилиш, онгли шахсларни тарбиялаш, фикр қарамлиги ва тафаккур қўллигидан халос этишни орзу қилган ва бу йўлда бутун умрини бағишлаган. Беҳбудийнинг бундай хулосалари бугунги кунда ҳам, келажакда ҳам заррача ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Мисол сифатида унинг “Миллатлар қандай тараққий этарлар” деган мақоласидан намуна келтирамиз: “Ҳар замон учун асбоби ислоҳ ва тараққийи ионат бошқарур. Миллатга ионат этмоқ учун, ислоҳи мактаб ва мударрис учун, русий мактабларига бола тайёрламоқ учун, деҳқон ва санъаткорларни ривож бермоқ учун «қамийяти хайрия», «нашри маориф», қироатхоналар, фўндлар, куружуклар, жаридалар, мажаллалар, нашриётлар... керакдур. Миллатлар тараққийси шул ила бўлур ва бу ишларга оқча керакдур, оқча бойларда ва афродда!”

Маро ба тажриба маълум шуд даро ҳар қор,

Ки қадри мард ба илм аст қадри илм ба мол.

(Маъноси: менга тажрибадан маълум бўлдики, одамда қанчалик илм бўлса ҳам илмнинг қадри молдадур.) «Самарқанд» 1913 йил, 30 июл”.⁴

Ўзбекистонда (Ҳ. Сайид, Н. Авазов, З. Ахророва), Тожикистонда (Р. Ходизода), Германияда (И. Балдауф; Б. Қосимов билан ҳамкорликда), АҚШда (Э. Олворт), Эронда (Ҳусейнпур Ақрам) ва бошқа мамлакатларда Беҳбудий ҳаёти ва ижоди бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Тошкент шаҳрида кўча ва мактабга Беҳбудий номи қўйилган.

Бугун Беҳбудий қабила муқаддас тутган юрт озод ва мустақил бўлди. Улар жон фидо этган истиқлол авлодларига насиб этди. Миллат ва Ватан мустақиллиги йўлида фидо бўлганлар эса шу Миллат ва Ватан умри қадар боқийдирлар.

⁴ Махмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Маънавият нашриёти, Тошкент, 2006. 456.